

Ҳинд ва ажам ғазоти



13:22 / 17 июль 1775

هُلِّلَا يَضَرَّ رِيَّهَ يَبَا نَع
هُلِّلَا لُوسَرَّ اَنَدَعَو : لاقُهُ نَع
وَزَعَمَّ لَسَو هِيَلَعُ هَلِّلَا يَلَص
قِفْنُ اَهُتْ كَرَدَا نِإْفِ ذَنَّهُ لَا
نِإْفِ يِلَامَو يِسْفَنَ اَهِي ف
لَضُفَا تُنْكَ تُلْتُق
وَبَا اَنَافُ تُعَجَّرُ نِإَوِ اَدَهُش لَا

رُحْمُ لَأَؤَرِيْرُهُ

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллох алайҳиссалом бизга Ҳинднинг ғазотини ваъда қилганлар. Агар ўшангача етиб борсам, молимни ҳам, жонимни ҳам сарфлайман. Агар ўлдирилсам, шаҳидларнинг афзали бўламан. Агар қайтиб келсам, озод қилинган Абу Хурайра бўламан».

نَمِنَاتَبِاصِعُ «ؤَيَؤورِ يَفَوِ
رَأَنَلَا نَمُؤَلَلَا أُمُؤَزْرَحَا يَتْمُأ
ؤَبِاصِعُؤَوَذَنُؤَلَاؤُؤَعَتُؤَبِاصِعُ
نُبَا يَسِيْعَؤَمُؤُؤَكَات
يَفُؤِيْؤَسُّؤَنَلَاؤُمُؤَاؤورِ . «ؤَمُؤِيْرَم
ؤَاؤِؤَلَا

Бошқа бир ривоятда:

«Аллох менинг умматимдан икки гуруҳни дўзахдан сақлаган: бири - Ҳиндга ғазот қиладиган гуруҳ, бири - Ийсо ибн Марям алайҳиссалом билан бирга бўладиган гуруҳ», дейилган.

Иккисини Насоий ривоят қилган.

هُلَلَا يَلَّصَّ يَبْنَلَا نَعُ هُنَعُو
مُوقَاتِ آلَ «: لَأَقَمَّ لَسَوِ هِيَلَع
أَزُوخِ أُولَاتِ أَقَّتِ يَّتَحُّ عَاسَلَا
رَمُحِ مَجَاعُ أَلَا نَمَنَامُ رَكَو
رَاغِصِ فُونُ أَلَا سَطْفِ هُوَجُ وَا
نَاجَمُ لَأُمُّ هَهُوَجُ وَنِيَعُ أَلَا
رَعَّ شَلَا مُهَلَّاعِنُ عَقَرُ طُمُ لَا
يِرَاخُ بَلَا هَاوَرُ

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Ажамлардан Хуз ва Кирмон билан, юзи қизил, бурни пучуқ, кўзи қисик одамлар билан, юзи худди тери қопланган қалқонга ўхшайдиган қил кавушлилар билан қитол қилмагунингизча Қиёмат қойим бўлмайди».**

Бухорий ривоят қилган.

Шарҳ: Хуз – Аҳвоз ва Тистир деган жойлардир. Бу ривоятда номлари зикр қилинган маконлар ва сифатлари зикр қилинган ажамлар билан катта урушлар бўлган, сўнг бу халқлар Исломга кирганлар. Шу билан Пайғамбар алайҳиссаломнинг гаплари ўз тасдиғини топган.

«Фитналар ва Қиёмат аломатлари» китобидан